

---

## Данғара тумани ҳокими “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари раислари фаол нуронийлар билан учрашди.

Данғара тумани ҳокими “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари раислари фаол нуронийлар билан учрашди.

Учрашувда - «Нуроний» жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими раиси Зокиржон Раҳманов иштирок этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазмун моҳияти кенг тушунтирилиб ўтилди.

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тажрибаси асосида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюлмаган, ишсиз ёшлар ҳар бир нуронийга бириктирилди.

Учрашув давомида ёшларимиз тарбиясида кекса авлод вакиллари тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ажрим ёқасида турган ёш оилалар ўртасида барқарор муҳитни вужудга келтириш борасида амалга оширилаётган ишлар катта натижа бераётганлиги такидлаб ўтилди.

---

2024-02-17 09:27:34